
ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ КОМПЮТЕР ЖАМЛАНМАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, Қўштепа туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январь кунги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимининг маҳалла фуқаролар йиғинларидағи вакиллари иш самарадорлигини ошириш ҳамда ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этиш мақсадида маҳаллаларда фаолият кўрсатиб келаётган ёшлар ишлари агентлиги етакчиларининг 30 нафарига замонавий компьютер жамланмалари топширилган эди.

Бугун эса маҳаллаларда фаолият кўрсатиб келаётган ёшлар ишлари агентлигининг қолган 21 нафар етакчиларига ҳам замонавий компьютер жамланмалари топширилди.

“Маданият маркази”да бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокими И.Новиков ва сектор раҳбарлари, ДХХ Марғилон шаҳар бўлими бошлиғи Ш.Хатамов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимининг масъуллари иштирок этдилар.

Тадбирни туман ҳокими И.Новиков очиб, Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан ёшларга яратиб берилаётган имкониятларга тўхталиб ўтди. Шунингдек, яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни тадбиркорликка йўналтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг компьютер жамланмалари ўз эгаларига топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-04-08 15:54:10